

МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИ – ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСИ СИФАТИДА

Окюлов Хасан Оманбаевич

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси
доценти*

Бугунги глобаллашув ва демократик модернизация жараёнлари шароитида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳар қандай давлатнинг стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг барқарор фаолият юритиши эса иқтисодий мустақил фуқаролар, хусусий мулк муносабатлари ва шаклланган мулкдорлар қатлами мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир.

Сиёсатшунослик фанининг классик ва замонавий назарияларида иқтисодий мустақиллик сиёсий эркинликнинг муҳим шарти сифатида баҳоланади. Жумладан, А.Токвиль, Ж.Локк, Ф.Ҳайек, Д.Норт, Р.Патнэм каби олимлар хусусий мулк институти ва мустақил иқтисодий субъектлар демократик жамиятларнинг муҳим таянчи ҳисобланишини таъкидлаганлар.

Ўзбекистонда ҳам сўнги йилларда хусусий мулкни ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва иқтисодий эркинликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар мулкдорлар қатламининг кенгайишига ва унинг жамият ҳаётидаги роли ортишига хизмат қилмоқда.

Мулк ва мулкдорлар қатлами масаласи жаҳон сиёсий тафаккурида қадимдан муҳим ўрин эгаллаб келган. Жон Локк хусусий мулкни инсоннинг табиий ҳуқуқларидан бири сифатида баҳолаган бўлса, Адам Смит иқтисодий тараққиётнинг асосий шарти сифатида хусусий мулк ва эркин бозор муносабатларини кўрсатган.

Алексис де Токвиль ўзининг «Америкада демократия» асарида иқтисодий мустақил фуқаролар ва мулкдорлар қатламини демократик институтларнинг асосий ижтимоий таянчи сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, хусусий мулкка эга бўлган фуқаролар давлат бошқарувида фаол иштирок этишга ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга кўпроқ мойил бўладилар.

Роберт Патнэм ижтимоий капитал назарияси орқали иқтисодий мустақил қатламларнинг жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтларидаги иштирокини таҳлил қилган. Дуглас Норт эса институционал ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида мулк ҳуқуқларининг кафолатланганлигини кўрсатган.

Фуқаролик жамияти давлатдан мустақил фаолият юритувчи ижтимоий институтлар мажмуасидир. Унинг иқтисодий асосини хусусий мулк муносабатлари ташкил этади.

Мулқдорлар қатлами деганда иқтисодий ресурсларга эгалик қилувчи, мустиқил иқтисодий қарор қабул қилиш имқониятига эга бўлган ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ижтимоий ва сиёсий муносабатларда иштирок этувчи ижтимоий қатлам тушунилади.

Сиёсатшунослик нуқтаи назаридан мулқдорлар қатламининг аҳамияти қуйидаги вазифалар орқали намоён бўлади:

1. Давлат ҳокимиятини иқтисодий жиҳатдан мувозанатлаштириш;
2. Жамоатчилик назоратини кучайтириш;
3. Демократик институтларни қўллаб-қувватлаш;
4. Сиёсий плюрализмни таъминлаш;
5. Ижтимоий барқарорликни мустиҳкамлаш.

Иқтисодий жиҳатдан мустиқил инсон давлатдан камроқ қарам бўлади ва жамият ҳаётида фаолроқ иштирок этади. Шу сабабли мулқдорлар қатлами фуқаролик жамиятининг иқтисодий пойдевори сифатида баҳоланади.

МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИНИНГ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Мулқдорлар қатламининг сиёсий жараёнларга таъсири бир неча йўналишларда намоён бўлади.

Биринчидан, иқтисодий мустиқиллик сиёсий фаолликни рағбатлантиради. Мулқдорлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сайловларда, сиёсий партиялар фаолиятида, жамоатчилик муҳокамаларида ва маҳаллий бошқарув жараёнларида фаол иштирок этади.

Иккинчидан, мулқдорлар қатлами ҳуқуқий давлат тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Чунки хусусий мулкнинг дахлсизлиги қонун устуворлиги мавжуд бўлган шароитдагина таъминланади.

Учинчидан, иқтисодий мустиқил қатлам коррупцияга қарши жамоатчилик назоратининг шаклланишига хизмат қилади.

Тўртинчидан, мулқдорлар қатлами нодавлат нотижорат ташкилотлари, бизнес уюшмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг иқтисодий базасини шакллантиради.


ЎЗБЕКИСТОНДА МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида хусусий мулк ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Сўнгги йилларда:

- тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилди;
- хусусий мулк дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари кучайтирилди;
- давлат хизматларининг рақамлаштирилиши таъминланди;
- давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинди.





Бу ислохотлар натижасида мулкдорлар қатламининг иқтисодий фаоллиги ортиб, уларнинг ижтимоий ва сиёсий жараёнлардаги иштироки кенгаймоқда.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Германия тажрибасида ўрта синф аҳолининг 60 фоиздан ортиғини ташкил этади. Мазкур қатлам мамлакат иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Японияда хусусий мулк ва кичик бизнес миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлайди.

Жанубий Кореяда эса хусусий сектор ҳиссаси иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи сифатида қаралади.

Ушбу давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мулкдорлар қатламининг кенг